



ARTICLE INFO

Received: 08th October 2022

Accepted: 18th October 2022

Online: 28th October 2022

KEY WORDS

Озиқ овқат маҳсулотлари, саноат, корхона, замонавий технология.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ

ХАВФСИЗЛИГИ

Абдашимова Х.А.¹

¹ГулДу озиқ-овқат технологиялари ёналиши

3-босқич талабаси,

Ўктамova.Ч²

²2 курс озиқ-овқат ёналиши талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7265900>

ABSTRACT

Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати аҳолини ўсиб бораётган озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини имкон даражасида қондиришда ва унинг хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати аҳолини ўсиб бораётган озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини имкон даражасида қондиришда ва унинг хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги сиёсатида маҳсулотларни асосан ўзининг қишлоқ хўжалиги ва саноати асосида ишлаб чиқаришини ва ички бозорларда сотишини ривожлантиришга, қолган қисмини эса хорижий давлатлардан импорт қилиш асосида қондиришни кўзда тутди. Шунинг учун ҳам бутун дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига жуда катта аҳамият берилмоқда.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш асосида ғалла мустақиллигига эришилди ва озиқ-овқатнинг барча асосий турларини мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқариш амалда тўлиқ таъминланди. Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2011 йил 31 октябрдаги ПҚ-1633-сонли қарорига асосан Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси ташкил қилинди. Уюшма таркибига Ёғ-мой корхоналари, гўшт, сут маҳсулотлари корхоналари, қандолат, салқин ичимликлар ишлаб чиқарадиган ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар кирди. Ушбу қарорга мувофиқ жойлардаги ҳокимият органларига уюшма корхоналари билан биргаликда гўшт-сут, мева-сабзавот ва узумни қайта ишлайдиган янги корхоналарни қуриш ҳамда мавжудларини модернизация ва реконструкция қилиш бўйича мақсадли ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган. Озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат аҳолисини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини ўзи, мустақил таъминлашга қодирлигини ифодалайди. Шунингдек, озиқ-овқат импортига ўта боғлиқликдан халос бўлганлигини англатади. Таъкидлаш жоизки, озиқ-



овқат хавфсизлиги фақат ички ўзини ўзи тўлиқ озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш билан чекланмайди. Бунинг учун озиқ-овқат импорти ҳам эътиборга олинади. Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги сиёсатида, асосан, ўзининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ички сотиш бозорларини ривожлантиришга, қисман, чет эллардан озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш асосида аҳолини озиқ-овқатга бўлган мақбул даражадаги эҳтиёжини қондириш кўзда тутилади. Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш сиёсати ўзини-ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражаси ҳамда уларни импорт қилиш даражаларини оқилона уйғунлаштириш, мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг кафолатланган имкониятларини яратиш, бу борада халқаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга қодирлиги муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу сиёсат даврий равишда янгиланиб турадиган озиқ-овқат захирасини яратишга ҳам қаратилган бўлади. Ўзбекистонда 2016-2020 йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва ташиш бўйича 17 та логистика марказларини ташкил

этилган. Шу даврда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида 2020 йилда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш улушини 22,2% га, гўштни қайта ишлаш улушини 18% га, сутни қайта ишлаш улушини 18,3% га етказилган. Бунинг натижасида 2019 йилда 2014 йилга нисбатан мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқариш ҳажми 2,1 баробарга, мева шарбатлари 2,2 мартага, сут ва сут маҳсулотлари 1,9 мартага, қуритилган мевалар, колбаса маҳсулотлари 1,7 мартага, гўшти консервалар 1,6 мартага кўп ишлаб чиқаришга эришилди. Шунингдек, тайёр мева-сабзавот консерваларини, қуритилган мевалар ва мева шарбатларини экспорт қилиш ҳажми 2,1 баробардан зиёдга оширилди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов “Замонавий технологиялар асосида пахта толасини ва мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ташқи ва ички бозорда талаб юқори бўлган тайёр, экологик тоза тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2030 йилда 6,6 марта, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмини эса 5,7 карра ошириш имконини беради” – деб таъкидлаганлар.

References:

1. Жонихонов М., Раҳмонов С. Озиқ-овқат дастури: мамлакат тараққиёти, иқтисодиёт барқарорлиги ва фаровонликнинг мустаҳкам асоси // Халқ сўзи, 2014 йил 7 июнь.
2. Абулқосимов Ҳ.П. Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги. Ўқув қўлланма.-Т.: Akademiya, 2012.-161-162-бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари